

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да  
амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан  
МАЪЛУМОТ**

*(2018 йил 29 декабрь ҳолатига)*

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
<b>I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>1.2. Давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш</b>						
1.	11. Давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув кадрлари салоҳиятини баҳолашнинг янги усулларини жорий қилиш	2018 йил 4-чорак	Давлат бошқаруви академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	<b>Бажарилган.</b> Мазкур банд ижроси бўйича тегишли идоралар томонидан бошқарув кадрларини “Assessment-centre” услуги асосида баҳолаш амалиёти жорий этилиши билан Давлат статистика қўмитаси белгиланган вазифалар бўйича иш олиб борилди.
2.	15. Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари тизимлаштирилишини назарда тутувчи Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш	2018 йил 1 март	Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	<b>Бажарилган.</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 майдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 120-сонли қарорига биноан, 2017 йил апрель ойида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда Давлат статистика қўмитасининг давлат хизматлари хатловдан ўтказилди ва яна қўшимча 17 та хизматлар аниқланди.

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						Бугунги кунда барча 23 та хизматлар Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестри маълумотлар базасига киритилган.
3.	28. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида “Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	2018 йил 20 октябрь	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, ДСҚ, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси	-	-	<b>Бажарилган.</b> Давлат хизматлари агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, имзо (виза) қўйилган ҳолда Қўмитанинг 2018 йил 13 августдаги 01/2-04-14-227-сонли хати билан Давлат хизматлари агентлигига юборилди.
<b>1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш</b>						
4.	38. Аҳолини рўйхатга олиш концепциясини тайёрлаш	2018 йил 1 май	Давлат статистика қўмитаси, ИИБ, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги	-	-	<b>Бажарилган.</b> Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 24 январдаги 01/4-12-17/2-24-сон хати Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига Концепция лойиҳаси таклифлар ва ишчи гуруҳга номзодлар тақдим этиш учун юборилди. Вазирликлардан жавоб хатлари олинди, ишчи гуруҳ таркиби тузилиб, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 13 февралдаги 01/1-12-17/1-54-сон хати билан Бош вазир ўринбосари номига ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш учун киритилди. Давлат статистика қўмитаси

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>томонидан Аҳолини рўйхатга олиш тадбири Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 13 мартдаги 01/4-12-17/2-80-сон хати ишчи гуруҳи аъзоларига, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига юборилди.</p> <p>Шу билан бирга, қўмита томонидан 01/4-12-17/2-81-сон хат билан бошқа тегишли вазирликлар ва идораларга ушбу тайёрланган Концепция лойиҳасини кўриб чиқиш, таклифлар тақдим этиш учун юборилди.</p> <p>Тегисли вазирликлар ва идоралардан таклифлар йиғилиб, умумлаштирилди.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш Концепция лойиҳаси яқунланди ва ушбу Концепция лойиҳасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 13 апрелдаги 01/2-12-17/2-99-сон хати ишчи гуруҳи аъзолари – Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига ҳамда 01/2-12-17/2-100-сон хати бошқа тегишли вазирликлар ва идораларга тайёрланган Концепция лойиҳасини келишиш учун юборилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 17 апрелдаги 01/3-12-17/2-104-сон хати ишчи гуруҳи аъзолари – Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идораларга келишилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ва Концепция лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш мақсадида тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларидан имзо олиш учун юборилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ва Концепция лойиҳаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилди.</p> <p>Қўмитанинг 2018 йил 26 апрелдаги 01/2-12-17/2-118-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси Адлия вазирлигига юборилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 01/1-12-17/1-126-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p>
5.	41. Давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш	2018 йил 20 сентябрь	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	<p><b>Бажарилган.</b></p> <p>Қўмитанинг 2018 йил учун таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизларни тайёрлаш ва эълон қилиб бориш режа-графиги ишлаб чиқилиб, 12 январда 01/1-01-26-6-сон билан тасдиқланди.</p> <p>График асосида таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрланиб, Қўмитанинг расмий веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>2018 йилнинг 29 декабрь ҳолатига, 2017 йилнинг август ойидан 2018 йилнинг ўтган даври учун жами 370 та, шундан 46 та йиллик таҳлиллар, 104 та чорак докладлари, 54 та экспресс маълумотлар ва 166 та пресс-релизлар эълон қилинди.</p> <p>Барча тайёрланган ва эълон қилинган таҳлилий маълумот ва пресс-релизлар мунтазам равишда «Ўзбекистон», «Узрпорт», «Тошкент» ва «Ўзбекистон-24» телеканалда роликлар кўринишида намойиш этиб борилди.</p> <p>2017 йилнинг август ойидан 2018 йилнинг ўтган даврида жами 118 та, шундан кўмита томонидан 72 та, ҳудудий бошқармалар томонидан 46 та таҳлилий ролик, диаграмма ва инфографикалар эфирга узатилди. 346 та мақола, шундан 139 та кўмита ва 207 та ҳудудий бошқармалар томонидан газета, журнал ва Интернет ахборот маконида чоп этилди.</p> <p>2018 йилнинг 28 январь куни «Ўзбекистон-24» телеканалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3165-сон қарори ижроси, эришилган натижалар ва келгусидаги вазифалар хусусида телемулоқот ўтказилди.</p> <p>2018 йилнинг 29 март куни Миллий матбуот марказида «Давлат статистика кўмитаси тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3165-сон</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалари ва истиқболдаги режалар” мавзусида ОАВ вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.</p> <p>2018 йил 23 май куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Миллий статистика тизими, ислохотлар, натижалар ва келгусидаги вазифалар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.</p> <p>2018 йилнинг август ойида кўмита Раиси Б.Бегаловнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати вакиллари билан учрашув бўлиб ўтиб, “Ўзбекистон-24” телеканали ва Матбуот хизматининг фейсбукдаги саҳифасида “Кабинет” рукнида ҳавола этилди.</p> <p>Жорий йилнинг 27 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат статистика кўмитаси томонидан “Миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ислохотларнинг боришини тавсифловчи статистик ахборотларнинг объективлиги ва долзарблигини янада такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.</p> <p>2018 йил 10 декабрда “Тараққиёт стратегияси” марказида “Фаол тадбиркорлик, инновацион</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури бўйича Давлат статистика қўмитаси тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 2.3. Маъмурий, жиноят ва фуқаролик процессуалқонунчиликни такомиллаштириш

6.	64. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг сабаблари ва юзага келиш шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш	2018 йил 1 ноябрь	Бош прокуратура, ИИВ, МХХ, ДБК, ДСК, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>Қўмитанинг 2017 йил 21 февралдаги 9-сон буйруғи билан “2017-2018 йиллар мобайнида Давлат статистика қўмитаси тизимида коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” тасдиқланган.</p> <p>Идоралараро комиссия муҳокамалари баёнлари ижросини таъминлаш борасида тизимли равишда қўмитанинг идоравий комиссияси йиғилишлари ўтказилди ва вазифалар ижроси юзасидан назорат режалари тасдиқланиб, ҳар бир банди ижроси белгиланган муддатларда бажарилди.</p> <p>Қўмитанинг 2017 йил 29 августдаги 71-сон буйруғи билан идоравий комиссиянинг янги таркиби тасдиқланган.</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш юзасидан кенг камровли тушунтириш ишлари, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиб</p>
----	--	----------------------	---	---	---	---

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>келинмокда. Мисол тариқасида, 2017 йилнинг 14 декабрида тизимда одоб-ахлоқ нормаларига риюя этиш юзасидан, 1 ноябрда идоровий комиссия фаолияти, коррупция тушунчаси, коррупцияни келтириб чиқарувчи ҳолатлар, унинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида ходимлар ўртасида тушунтириш олиб бориш мақсадида семинар ташкил этилди. Идоровий комиссия йиғилишлари, семинар ва тадбирларига прокуратура ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди ҳамда кенг ёритиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштироки таъминланди.</p> <p>Жумладан, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудий статистика бошқармаларида “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий билимларини ошириш” бўйича семинар ҳамда “Тизим раҳбар ва ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларини олдини олиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риюя этилишини таъминлаш мақсадида, уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва</p>



Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>аҳамиятини чуқур етказиш” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.</p> <p>2017 йил давомида 500 та тарқатма материаллар, хусусан стол усти планерлари тайёрланиб, тизим бўйича тарқатилган.</p> <p>Мунтазам равишда қўмитанинг расмий веб-сайтида коррупцияга қарши курашиш борасида сўровлар ўтказиб келинмоқда. 2017 йилда сўров сентябр ойида ўтказилган ва натижалари октябр ойида бўлиб ўтган идоровий комиссия йиғилишида муҳокама қилинган.</p> <p>Дастурга мувофиқ декабрь ойида навбатдаги сўров ўтказилиб, муҳокамаси идоровий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиши режалаштирилмоқда.</p>

### III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

#### 3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш

7.	81. Илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва “ақлли” технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш	2018 йил 1 июль	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Энергия тежаш миллий компанияси, вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқарув органлари</p>	-	<p>Бюджет маблағлари, инвестициялар, кредитлар, грантлар ва бошқа маблағлар</p>	<p><b>Бажарилган.</b> Инновацион ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 05-11/2169-сонли хати билан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан Қўмитанинг</p>
----	---	--------------------	---	---	---	---



Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
			<p>Марказий банк, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, МХХ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар</p>			<p>(гуруҳ ишини мувофиқлаштириш Адлия вазирлигида) фаолият олиб борилиб, Давлат статистика қўмитасига тегишли қисми бўйича таклифлар берилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 3 майдаги 01/1-06-11/5-99-сонли хати билан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси кўриб чиқилиб, тегишли таклифлар берилди.</p> <p>Давлатлар рейтингини тузувчи халқаро агентликлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари аниқлаш ишлари олиб борилди.</p> <p>Ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июндаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнесни юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3852–сон қарори ва 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармонлари қабул қилинди.</p> <p>Республикадаги вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари сўровлари асосида</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>тегишли бўлган зарур статистик маълумотлар тақдим этиб келинди.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 февралдаги 81-сон қарор билан тасдиқланган “2018 йил учун давлат статистика ишлари дастури”га мувофиқ, 2018 йилда 23 та халқаро ташкилот ва статистика институтлари билан, шунингдек Халқаро валюта жамғармаси билан к-МГУТ талаблари асосида маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сонли қарори билан тасдиқланган 1-Илованинг 27-банди ва Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 74-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, бошқа давлатларнинг миллий статистика идоралари ва халқаро ташкилотлар томонидан чоп этилган статистик тўпламларининг таркиби ўрганиб чиқилди ҳамда раҳбарият томонидан тасдиқланган очик маълумотлар рўйхатига мувофиқ Қўмита томонидан чоп этиладиган статистик тўпламлар, ахборотномалар, докладларга қўшимча маълумотлар ва тегишли ўзгартиришлар киритилди.</p> <p>Шунингдек, Қўмитанинг очик маълумотлар рўйхатини кенгайтириш мақсадида, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>Марказий банк томонидан юборилган таклифлари умумлаштирилди. Шунга мувофиқ, Молия вазирлигининг таклифлари 2017 йилда чоп этилган статистик тўпламларда инобатга олинди. Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг таклиф ва кўшимчалари 2018 йилда шакллантириладиган статистик тўпламларда инобатга олинishi кўзда тутилган.</p> <p>Ҳозирда, ойлик даврийликда иқтисодиёт соҳалари бўйича умумлаштириладиган таҳлилий маълумотлар (пресс-релизлар) ҳамда чораклик даврийликда шакллантириладиган “Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси” нашри доимий равишда Қўмита расмий веб-сайтида жойлаштирилган.</p> <p>Шунингдек, 2018 йил бошидан ойлик даврийликда “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” ойлик нашри (брошюраси) ишлаб чиқилиши ва доимий равишда Қўмита расмий веб-сайтида жойлаштириб борилиши йўлга қўйилди.</p>